O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
**HOKIMLIGI**

**ХОКИМИЯТ**
Самаркандской области
Республики Узбекистан

140157, Samarqand sh., Ko'ksaroy maydoni, 1 uy.
Tel.: (0-366) 2304270, faks: (0-366) 2312093

140157, г. Самарканд, пл. Куксарой, д. 1
Тел.: (0-366) 2304270, факс: (0-366) 2312093

2019 yil «*23*» *сентябрь* №*04-14/1047* «____» _________ 2019 года

**Адлия бошқармаси бошлиғи**
**С.Нуриевга**

Сизга, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, вилоят ҳокимининг 2019 йил 21 сентябрдаги "Самарқанд шаҳар йўловчи ташиш транспортида йўловчилар ташиш тарифларини белгилаш тўғрисида" ги 258-Қ-сон қарори ҳисобга олиш учун қоғоз ва электрон шаклда юборилмоқда.

Илова: ______ варақда

**Вилоят ҳокимининг ўринбосари** **О.Ходжаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
HOKIMINING
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 yil «21» сентябрь 258 – Қ - sonli

Samarqand sh.

**Самарқанд шаҳар йўловчи ташиш транспортида йўловчилар ташиш тарифларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5 сон, 124-модда), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 14 августдаги (04/15-03-32/2608-сон) хати ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Самарқанд шаҳар йўловчи ташиш транспорти (автобус) хизматларининг чекланган тарифи 1400 (бир минг тўрт юз) сўм миқдорида белгилансин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Транспорт бошқармаси (И.Ҳамраев) йўловчи ташиш транспортларининг ҳаракатланиш жадвали ва муддатига риоя этилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

3. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 19 апрелдаги 251-Қ сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби (М.Мирзаев) ушбу қарорни "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" ҳамда "Овози Самарқанд" газеталарида расман эълон қилинишини ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYAT HOKIMLIGI DEVONXONA

**Вилоят ҳокими** **Э.Турдимов**